

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

360 Юридик ва жисмоний шахсларнинг саноат мулки объектларидан фойдаланганликлари учун даромад (фойда) солиғидан озод қилиш ва даромад (фойда) солиғи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 471-3*

(2010 йил 24 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан 1998 йил 1 июлда 36, 98-93, НТ-4-13/620-сон билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларнинг саноат мулки объектларидан фойдаланганликлари учун даромад (фойда) солиғидан озод қилиш ва даромад (фойда) солиғи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида йўриқнома (1998 йил 10 август, рўйхат рақами 471);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан 2000 йил 3 февралда ЭГ/04-01-02/55, 99-111, НТ-04-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 10 августда 471-сон билан рўйхатдан ўтказилган Юридик ва жисмоний шахсларнинг саноат мулки объектларидан фойдаланганликлари учун даромад (фойда) солиғидан озод қилиш ва даромад (фойда) солиғи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида йўриқномага 1-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар (2000 йил 23 февраль, рўйхат рақами 471-1) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 4-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан 2000 йил 9 мартда 17-09/174, 2000-36, НТ-04-13/252-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 10 августда 471-сон билан рўйхатдан ўтказилган Юридик ва жисмоний шахсларнинг саноат мулки объектларидан фойдаланганликлари учун даромад (фойда) солиғидан озод қилиш ва даромад (фойда) солиғи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида йўриқномага 2-сон ўзгартиришлар (2000 йил 23 февралдаги 471-1-сон ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) (2000 йил 13 апрель, рўйхат рақами 471-2) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 7-сон);

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 11 октябрь,
85-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2010 йил 11 октябрь,
2010-35-сон

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси раиси**

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 11 октябрь,
4-сон